Газета 1997 йил
27 августдан чиқа
бошлаган

1999 йил,
15 сентябрь, чоршанба
37 (101)

МУСТАҚИЛЛИК

ҲУҚУҚ

ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Муҳим сиёсий кампания

ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР КЎРИГИ

Байрам ўз номи билан байрам. Унда айни байрамнинг моҳиятидан келиб чиқиб, мамлакат ўз фуқароларининг яйраб-яшнаб, орзулар, ниятлар, умидлар осмонида парвоз этишларини таъминлайди. Халқнинг, миллатнинг бирдамлиги, давлатнинг куч-қудрати ва имкониятлари намойиш этилади. Сайловни ҳам ўзига хос байрам дейиш мумкин. Ва унда демократиянинг бўй-басти, қадди-камоли намоён бўлади, фуқароларнинг демократик маданияти бўй кўрсатиб, ўзига хос синовдан ўтади. Ўтган пайшанба куни Миллий матбуот маркази биносида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот марказининг тақдимотига бағишлаб ўтказилган матбуот конференциясида илгари сурилган фикрлар бизни шундай хулоса чиқаришга даъват этди.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси Нажмиддин Комилов учрашув қатнашчиларини мамлакатимизда сайлов олди кампанияси бошланиб кетгани билан қутлади ва мазкур матбуот марказининг вазифалари ҳақида ахборот берди.

Матбуот марказининг эшиги маҳаллий ва хорижий журналистлар учун ҳам, фуқаролар, яъни сайловчилар учун ҳам кенг очиб қўйилади. Бу ерда замонавий компьютер техникалари ва алоқа воситалари билан жиҳозланган махсус қироатхона мавжуд бўлиб, унда сайлов кампаниясига доир барча ахборотлар жамланади. Шунингдек, округ сайлов комиссияларининг фаолиятига доир ахборотлар ҳам шу ерда тўпланади. Матбуот марказида Марказий сайлов комиссияси фаоллари билан журналистларнинг учрашувларини ўтказиб туриш режалаштирилган. Демак, бу ерда сайловолди ишларининг бориши ҳақида мамлакатимиз аҳолисини ва дунё ҳамжамиятининг хабардор қилиб туриш учун

(Давоми 2-бетда)

ҚУРУВЧИЛАР СОВҒАСИ



Малака ошириш Маркази биносининг олд томондан кўриниши.

Ўзбекистон мустақиллигининг 8 йиллик байрами арафасида Республика прокуратураси Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш Маркази жамоаси «Монолит» кичик корхонаси қурувчиларидан ажойиб совға қабул қилиб олдилар. Миллий меъморчилигимиз ютуқлари асосида қурилган янги бинода Марказ профессор ўқитувчиларининг кенг ҳажмда тадқиқот олиб боришлари ҳамда прокурор-тергов ходимларига ҳуқуқшунослик илми ва амалиётининг ҳозирги талаблари асосида сабоқ беришлари учун барча қулайликлар яратилган.

Марказ янги биносининг очилиш пайтида олинган ушбу лавҳаларни фотожурналист Рустам Шарипов суратга туширган.



Марказнинг тантанали очилиш вақти.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ УШБУ СОНИДА СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН МАҚОЛАЛАРНИ ЎҚИЙСИЗ

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ МАРКАЗИ ГУЛИСТОН ШАҲРИ КУНДАН-КУН ЧИРОЙ ОЧИБ БОРМОҚДА







Суратлар муаллифи Фурқат ТОШМАТОВ

• *Тўйхат*

ПРОКУРАТУРА ФАХРИЙСИ ТЎХТА ҲОЖИМУҲАМЕДОВ 75 ЁШДА



Прокуратура фахрийси, Республика прокуратураси қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш Маркази катта ўқитувчиси Тўхта Ҳожимуҳамедов қутлуғ 75 ёшга тўлди.

Тўхта Ҳожимуҳамедов 1924 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Суронли уруш йилларида Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўтаган Тўхта Умарович 1946 йилда юртимизга соғ-омон қайтиб келди. Шундан сўнг, кўп йиллар прокуратура идораларида самарали фаолият кўрсатди. Бухоро вилояти, Когон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси, Жондор, Пешқу тумани прокурори лавозимларида ишлаб юрган даврларида қонунчиликни мустаҳкамлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, жиноятчиликка қарши кураш ишларида жонбозлик кўрсатди. Тажриба тўплади. Бу тўпланган тажрибалар Тўхта Умарович маълум муддат Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги ўрта мактабда ўқитувчилик қилган кезлари ниҳоятда асқотди. Негаки, Тўхта Умаровичнинг шогирдлари бу киши ўтган сабоқлару берган ўгитларини ҳалигача мароқ билан эслаб юрадилар. Тўғрисини айтганда, бундай эҳтиромга ҳар қандай устоз ҳам сазовор бўла олмайди. У киши нимага эришган бўлса, билими, меҳнатсеварлиги ва ҳалоллиги туфайли эришгандир.

1959 йили яна прокуратура тизимига қайтган Т.Ҳожимуҳамедов 1970 йилгача Андижон вилояти Хўжаобод туман прокуратурасида терговчи, вилоят прокуратурасида катта терговчи, Тошкент шаҳар Миробод тумани прокуратурасида терговчи, шаҳар прокуратураси тергов бўлими прокурори лавозимларида хизмат қилди.

1970 йилда бу ишчан, тажрибали прокуратура ходими Республика прокуратурасига ишга жалб этилди. Та 1985 йилгача Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ички ишлар идораларида тергов ва суриштирув устидан назорат қилиш бўлими прокурори, шундан сўнг 1997 йилгача Республика прокуратураси судларда фуқаролик ва хўжалик ишларининг кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими прокурори вазифаларида меҳнат қилди. Т. Ҳожимуҳамедов 1997 йилдан ҳозиргача Республика прокуратураси қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш Маркази катта ўқитувчиси лавозимида ишлаб келмоқда. Бор билим ва тажрибасини ишга солиб, прокуратура ходимларини мустақиллик даври талаблари даражасида ишлашга тайёрламоқда.

Тажрибали ҳуқуқшунос Т. Ҳожимуҳамедовнинг эл-юрт олдидаги кўп йиллик хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган.

Азиз устозимиз ҳамон сафимизда. У кишининг ярим асрдан зиёдроқ меҳнат фаолияти барчамизга ўрнакдир.

Меҳрибон устозимиз Тўхта Умарович Хожимуҳамедовни қутлуғ 75 ёши билан самимий табриклаймиз.

Дўстларингиз, сафдошларингиз, шогирдларингиз, фарзандларингиз ва набираларингиз бахтига ҳамиша соғ бўлинг, Тўхта ака!

Республикаси прокуратураси жамоаси

• *Табриклаймиз*

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг саккиз йиллиги муносабати билан хизмат вазифаларини виждонан ва намунали бажарган Республика прокуратураси идораларининг қуйидаги ходимлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруғига асосан **«Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими»** нишони билан тақдирландилар:

3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси САЛИХОВ Абдуғаппор Мухторович — Республика прокуратурасининг Миллатлараро ва халқаро муносабатларда қонунлар ижроси устидан назорат бўлими бошлиғи

Адлия маслаҳатчиси ТАМАТАЕВА Раиса Витальевна — Сирдарё вилоят прокурорининг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш бўйича катта ёрдамчиси

• *Муҳим сиёсий кампания*

ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР КЎРИГИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

ҳамма имкониятлар мавжуд. Шунинг учун ҳам Марказий сайлов комиссияси фаолларининг журналистлар ва жамоатчилик вакиллари билан бўлиб ўтган ушбу учрашуви савол-жавобларга, баҳс-мунозараларга бой бўлди. Улардан айримларини газетхонлар эътиборига ҳавола этамиз.

Савол: - Президентликка номзодлар кўрсатилганми? Агар сир бўлмаса, уларнинг кимлигини айтсангиз?

Жавоб: - Йўқ, ҳали кўрсатилмаган. Олий Мажлис депутатлигига, шу жумладан, Президентликка ҳам номзодларни кўрсатиш сиёсий партияларнинг, олий органлари, ҳокимият вакиллик кенгаши сессиялари ва ташаббускор гуруҳларни ташкил этган сайловчиларнинг мажлисларида сайлов тайинланган кундан кейин 25 кун ўтгач, бошланади. Ва сайловларга 45 кун қолганда тугалланади.

Савол: - Сайлов ўтказишга ажратилган муддат қисқа эмасми?

Жавоб: - Қонунларимиз бўйича, сайловнинг тайинлаш куни уч ой олдин эълон қилиниши керак эди. Олий Мажлиснинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Халқ депутатлари сайловини тайинлаш ҳақидаги қарори 20 август куни эълон қилинди. Кўринадики, халқ депутатлари сайловини ўтказишлари қонунда белгиланганидан 15 кун олдин бошланди. Президент сайлови кунигача эса тўрт ойдан ошиқ вақт бор.

Савол: - Сайловларда кимлар кузатувчи бўлиб қатнашишлари мумкин?

Жавоб: - Манфаатдор томонлар, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар ўз кузатувчиларини юбориши мумкин. Биз бу масалани қонунларимиз доирасида Ташқи ишлар вазирлиги билан бамаслаҳат ҳал этамиз ва кузатувчиларни тегишли тартибда рўйхатдан ўтказиб, уларга демократик тамойиллар асосида ҳамма шарт-шароитларни яратиб берамиз. Жамоат ташкилотларининг вакиллари ва журналистлар ҳам норасмий кузатувчи бўлишлари мумкин.

Савол: - Ўзбекистонга қўшни айрим давлатларда вазият кескин бўлиб турибди. Айни пайтда диний-экстремистик оқимларга мансуб баъзи кимсалар халқимиз ва ватанимизга нисбатан сотқинлик йўлини тутиб, кимларнингдир ноғорасига ўйнамоқдалар. Бу сайлов олди кампаниясига таъсир қилмасмикан?

Жавоб: - Хавотирга ўрин йўқ. Ҳукуматимиз мамлакатимизда дахлсизлиги ва халқимиз тинчлигини таъминлаш учун ҳамма имкониятга эга. Тегишли чоратадбирлар кўриб қўйилган. Шу билан бирга, халқимиз кимнинг ким эканлигини яхши ажратиб олган ва юртдошларимиз энг муносиб фарзандлари учун овоз берадилар, деб ишонаман.

Матбуот конференцияси қатнашчиларининг Марказий сайлов комиссияси амалга оширган ишлар, сайлов учун ажратилган маблағ, сайловда қатнашаётган партияларни маблағ билан таъминлашда мутаносибликни сақлашга доир ва бошқа кўплан-кўп саволларига ҳам жавоб берилди.

Марказий сайлов комиссияси матбуот марказининг Тошкентнинг бош кўчаларидан бирига жойлашганлиги, бу ердаги қулайликлар, айни пайтда Марказ аъзоларининг ошкоралик ва демократик тамойилар мезони билан ишни ташкил этишаётгани XXI аср бўсағасида ўтаётган ушбу сайлов кампанияси Ўзбекистонда демократик тамойилларни янги поғонага кўтаришда муҳим босқич бўлиб қолишидан далолат бермоқда.

(Ўз мухбиримиз)

• *Муштарийдан мактуб*

БИР УМР МИННАТДОРМАН

Мен Тошкент шаҳрида истиқомат қиламан. Иккинчи гуруҳ ногиронман. Турмуш ўртоғим барвақт оламдан ўтган. Шундан сўнг, рўзғор ишлари, оилани тебратиш ўғлимнинг гарданига тушди. Ҳаётимиз изга тушиб, ҳижрон алами бироз бўлса-да унут бўлай деган маҳалда яна фалокатга гирифтор бўлдик: ўғлим туҳмат касофати билан қамалиб кетай деди...

Оллоҳга шукрлар бўлсинки, Тошкент шаҳар, Шайҳонтоҳур туман прокуратураси ходимлари, шунингдек, терговчи Жасурбек Бўронов ўғлимга тегишли ишни адолат ва қонун юзасидан кўриб чиқиб, ўғлимни айбсиз деб топди. Натижада, ўғлим тамомила оқланди.

Шу сабабли мен Республика прокуратура идораларининг нашри бўлган «Ҳуқуқ» газетаси орқали Шайҳонтоҳур туман прокуратурасининг терговчиси Жасурбек Бўроновга, у киши билан ёнма-ён туриб фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган барча ҳамкасбларига ўз миннатдорчилигимни билдираман. Истагим, уларнинг ишида адолат, ишга виждон амри билан ёндошиш ҳамиша ёр бўлсин.

Маъмура РАҲМАТУЛЛАЕВА,
Собир Раҳимов тумани,
Чуқурсой кўчаси, 23-уй, 45-хонадон

Моҳият

Сохта олимлар донишмандлар қалбида ғазаб қўзғаса, ахмоқлар юрагида ҳайрат уйғотади.

КЛОД-АНДРМАН ГЕЛЬВЕЦИЙ

Журналист текшируви

Сурхондарё вилоятида яшовчи фуқаролар Х.Расулова ва Б.Ботироваларнинг таҳририятимизга ёзган шикоятлари юзасидан махсус мухбиримиз Қ.Жўраназаров журналист текшируви ўтказди. Қуйида текширув натижалари ҳавола этилади.

Даъвогар Тошматова Мавлуданинг жавобгари Расулов Мамараимга нисбатан никоҳни бекор қилиш ва уйни олиш ҳақидаги фуқаролик иши шу йил 7 апрелда Сариосиё туман суди томонидан кўриб, тарафларга яраши учун уч ой муҳлат берилган. 16 июль куни суд ушбу фуқаролик ишини яна кўриб чиқиб, оилани сақлаб қолиш имконияти қолмаганлигини инобатга олган ҳолда никоҳни бекор қилган. Икки нафар вояга етмаган болалар даъвогарнинг қарамоғида қолаётганлигини, уларнинг уй-жойга муҳтож эканлигини ҳисобга олиб, низоли уйни Тошматовага қолдириш ва ундан уй қийматининг 40 фоизини - 254 минг 865 сўм 40 тийин жавобгарга ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарган.

Фуқаро Расулов Мамараим ушбу қарордан норози бўлиб, туман судига кассация шикояти билан мурожаат қилган. Бироқ давлат божи тўламаганлиги сабабли мазкур кассация шикояти кўриб чиқиш учун вилоят судига юборилмаган.

Арзнома юзасидан вилоят суди раиси Н.Сатторов билан ҳам суҳбатлашдим. У киши агар М.Расулов Сариосиё туман судининг ҳал қилув қароридан норози бўлса, назорат тартибида кўриб чиқиш учун вилоят суди раиси номига ариза ёзиш ҳуқуқига эга эканлигини айтди. Ариза муаллифи ва унинг ўғлига биз ҳам худди шундай қонуний ҳуқуқидан фойдаланиши лозимлигини тушунтирдик.

Ҳозирги вазиятда Сариосиё туман судининг ушбу ҳал қилув қарорига эътироз билдириш учун бизда ҳеч қандай далил-асос йўқ.

Ариза муаллифи Бибидона Ботирова, унинг қизи Моҳидил Хушматова, Қайнотаси Хушбоқ Гулмирзаев, ҳозирги пайтда Хушматовага тегишли фуқаролик ишини судда кўраётган Т.А.Шоимов билан суҳбатлашдим. Улардан зарур ҳужжатларни сўраб олдим. Ва қуйидагиларни аниқладим:

Ариза муаллифининг қизи Хушматова Моҳидил билан унинг собиқ турмуш ўртоғи Гулмирзаев Шавкат ўртасидаги никоҳ ҳар иккаласининг розилиги билан суднинг 1998 йил 16 декабрдаги Ҳал қилув қарорига асосан бекор қилинган.

Ботирова даъво қилаётган уй Гулмирзаев Шавкатнинг отаси Гулмирзаев Хушбоқ томонидан ўғли оила қуришидан тўрт йил илгари қурилган. Ҳозирги пайтда даъвогар М.Хушматованинг жавобгари Ш.Гулмирзаевга нисбатан молмулкни (жумладан уйни) бўлиш ҳақидаги фуқаролик иши Қумқўрғон туман суди томонидан кўрилмоқда.

«Ҳуқуқ» кўзгусида:

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ИДОРАЛАРИ

МАҚСАДИМИЗ – АДОЛАТНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ

Сирдарё вилояти прокурори Эшмамат Бердимуродов билан суҳбат

- Эшмамат Бердимуродович, бугунги ислоҳотлар жараёнида прокуратура идоралари ходимлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Бу борадаги, умуман, қонун устиворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида гапириб берсангиз.

- Сирдарё вилояти прокуратура идоралари ходимлари олдига ҳам ҳал этилиши лозим бўлган бугунги куннинг энг долзарб вазифалари қўйилган. Қисқа қилиб айтганда, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини назорат қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриш, жиноят учун жазо ва жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилиш кабилар шулар жумласидандир.

Ходимларимизнинг ишга виждонан ёндошишлари, ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришлари туфайли кейинги йилларда вилоятимизда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар, айниқса уларнинг оғир турдаги кўринишлари камайди. Бу соҳада қилинаётган ишлар тўғрисида исталганча мисоллар келтириш мумкин.

Айни пайтда прокуратура билан бошқа ҳуқуқни муҳофаза этиш идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Бу борада ҳамкорлигимизни мустаҳкамловчи тадбирлар ишлаб чиқилган.

Ярим йиллик натижаларга кўра, вилоятимизда умумий жиноятчилик аҳволи барқарор бўлиб турибди. Айниқса, жиноят қидирув соҳасидаги, оғир ва ўта оғир жиноятлар, ўғирлик, талончилик, вояга етмаганлар, муқаддам судланганлар, ишламайдиганлар томонидан маст ҳолатда жиноятлар содир этилиши камайгани эътиборга моликдир.



- Ҳар қандай меҳнатнинг оқибатида албатта манфаат бўлмоғи лозим. Шу ўринда вилоятдаги завод-корхоналарда иш ҳақларининг вақтида тўланмаслиги муаммоси ҳақида ҳам бироз тўхталсангиз.

- Бу масала ҳозирги кунниг долзарб муаммоларидан биридир. Ҳақиқатан ҳам баъзи корхона-ташкилотлар ходимларига меҳнат ҳақларини ўз вақтида тўлай олмаяпти. Бу эса фуқароларнинг ҳақли эътирозларига, ариза ва шикоятларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Ўтказилган текширишлардан маълум бўлишича, иш ҳақларининг ўз вақтида тўланмаслигига дебитор қарзларнинг вақтида ундириб олинмаслиги ва иш ҳақига ажратилган маблағларнинг бошқа мақсадлар учун ишлатилаётганлиги, талон-тарож қилинаётганлиги сабаб бўлмоқда. Биз эса бундай ҳолларга қатъий чек қўйилиши учун барча чора-тадбирларни кўраяпмиз.

Жумладан, Меҳнатобод туманидаги Амир Темур номли деҳқон хўжалиги раиси Я.Нурбоев ва унинг шериги С.Суюновлар иш ҳақи учун ажратилган маблағларни ўзлаштиришликлари учун ЖКнинг тегишли қисмлари билан жиноий жавобгарликка тортилди. Қисқа қилиб айтганда, бу йўналишда жами 7 жиноят иши қўзғатилди ва эълиқдан ошиқ бошқа прокурорлик таъсир чоралари қўлланилди.

Меҳнатобод тумани Э.Қаҳҳоров номли жамоа хўжалиги раиси Э.Пирназаров 4.604.850 сўм, Ҳовос тумани МТП бошлиғи А.Абдувоҳидов 20.940.011 сўм иш ҳақидан қарзи бўлсада, ташкилотларига «Нексия» ва «Тико» автомашиналарини сотиб олганлар. Мазкур ҳолатлар юзасидан ҳам ЖКнинг тегишли моддаларига биноан жиноят ишлари қўзғатилган.

Иш ҳақларини ундириб бериш юзасидан прокурорлар томонидан судларга 110 та даъво ариза киритилди.

- Иқтисодий жиҳатдан ночор корхоналар ислоҳотлар жараёнининг изчиллик билан боришига тўсқинлик қилмоқда. Ушбу масалада талай қонунлар, хусусан, «Банкротлик тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Сирдарё вилоятида мазкур қонун ижроси, санация ҳақидаги қарорларнинг бажарилиши қай аҳволда?

-Илгарилари корхонани банкрот ҳолатга олиб келган шахс бошқа бир раҳбарлик курсисини, баъзан янада юқорироғини эгаллаб кетаверар, жарима дейсизми, пеня дейсизми корхонанинг ҳисобидан кетаверар, асосий айбдор бўлган мансабдор шахс эса жавоб бермас эди. Эндиликда ҳар бир раҳбар ёки мансабдор шахснинг жавобгарлик масаласи кўриб чиқилмоқда.

Ўтган бир ярим йил ичида бу соҳада 20 дан ошиқ жиноят иши қўзғатилди. «Сирдарё» агрофирмаси тижорат маркази бошлиғи Ю.Ким, «Ипакчи» кўп тармоқли ишлаб чиқариш савдо фирмаси раҳбари Ю.Саримсоқов, 45-МПМК бошлиғи У.Жайноков, «Нота» хусусий корхонаси директори О.Ким ва бошқаларга нисбатан қўзғатилган жиноят ишлари шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, шу йилнинг ўтган даври мобайнида дебитор-кредиторлик қарзлари ошиб кетишига йўл қўйган раҳбар ходимлардан 38 нафарига нис-

(Давоми 4-бетда)



Вилоят прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи Ислом Умаров, тафтишчи Султон Сулаймонов, тергов бошқармаси прокурори Тоҳир Ражабов, мутахассис Мирзоҳид Аюповлар иш устида.

• *Давра суҳбати*

ЁШЛАР КЎНГЛИГА ЙЎЛ ТОПАЙЛИК

Ёшлар тарбияси, одоб-ахлоқи тўғрисида жуда кўп гапирилади, ёзилади. Дарахтнинг қандай мева бериши унга берилган парваришга боғлиқ бўлганидек, ёшларимизнинг келажакда қандай инсон бўлиб етишишлари ҳам берилаётган таълим-тарбия, эътиборга боғлиқ, албатта. Бугун ёшлар маънавияти, одоб-ахлоқига бепарво бўлсак, эртага кеч бўлиши турган гап.

Сирдарё вилоят прокуратурасида бўлиб ўтган «Ёшлар ўртасида жиноят содир этилишининг олдини олишда жамоат ташкилотларининг ўрни ва вазифалари» мавзусидаги давра суҳбатида ҳам ана шу долзарб масала хусусида фикр юритилди. Мухбиримиз суҳбат иштирокчиларининг айрим фикрларини қоғозга туширди.



Тўйчибек Ҳайталиев, вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари.

- Хабарингиз бор юртбошимиз февраль воқеаларини таҳлил қила туриб, «Биз ёшларимизни ҳеч кимга бермаймиз», дея қатъий таъкидладилар. Шубҳасиз, бунинг замирида жуда катта маъно бор. Сабаби, февраль воқеалари ташкилотчиларининг ҳам асосий қуроли ёшларимизнинг ишонувчанлиги бўлгани бугун ҳеч кимга сир эмас.

Бундай ҳоллар такрорланмаслиги учун ёшлар тарбиясига муҳим масала сифатида қараб, ўзаро ҳамкорлигимизни йўлга қўйишимиз, тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқишимиз зарур. Кези келганда айтиб ўтишимиз керак, жорий йилнинг етти ойи мобайнида вилоятимиз бўйича 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар сони 36 тани ташкил этди. Бу ҳол таълим-тарбия тизимимиз, маҳаллалар, жамоат ташкилотлари ёшлар ўртасида ташвиқот ишларини янада кенгроқ кўламда олиб боришларини тақозо этади.



Тўлқин Мўминов, Вилоят ИИБ вояга етмаганлар назорати бўлими бошлиғи, милиция подполковниги.

-Ҳаммамиз яхши биламиз, 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган давр инсон умрида энг нозик, мураккаб даврдир. Шу ёшда инсон онги, хулқи, маънавий қиёфаси шаклланади. Ҳали суяги қотмаган фарзандларимизни ўз ҳолига ташлаб қўйсак, тарбияси, илми ва маънавияти билан шуғулланмасак, келажакда уларнинг комил инсонлар бўлиб етишмоғига ким кафолат бера олади?

Жамиятимиз истиқболини, миллатимиз тақдирини, иқболини, бахт-саодатини ўйлар эканмиз, энг аввало шу саволга жавоб топишимиз керак.

Вилоятимиз ҳудудида ёшлар ва вояга етмаганлар орасида жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича ички ишлар идоралари ходимлари кенг жамоатчиликка таянган ҳолда суд, прокуратура билан ҳамкорликда қатор ижобий ишларни амалга ошириб келмоқда.

Кўрилган тадбирлар натижасида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар миқдорини ўтган йилнинг 7 ойига нисбатан 12,6 фоизга қисқартиришга эришдик.

Маълумки, жиноят содир этилишининг асосий сабабларидан бири вояга етмаганларни етарли даражада ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилмаганлигидир. Кўпгина ташкилотларнинг хусусийлаштирилганлиги сабабли вояга етмаганларни ишга жойлаштириш қийинлашмоқда. Қишлоқ жойларда завод, фабрика ёки кичик корхоналар камлиги, оқибатида ёшларнинг доимий равишда ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиши учун имконият йўқ. Вояга етмаган ўсмирлар тарбиясига алоҳидор барча жамоат ташкилотларининг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан биргаликда етарли даражада иш олиб бормасликлари ҳам маълум даражада умум ишига салбий таъсир кўрсатмоқда.



Алишер Жўраев, — «Камолот» жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви раиси:

— Бугунги давра суҳбатимиз мавзусидан келиб чиқиб ўз йўналишимизда ўтказаётган бир неча ўнлаб тадбирларимизни санаб ўтишимиз мумкин. Бу тадбирлар албатта қайсидир маънода ижобий натижалар бе-

(Давоми 5-бетда)

МАҚСАДИМИЗ – АДОЛАТНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ

(Давоми. Бошланиши 3-бетда)

батан жиноят иши қўзғатилди. Жумладан, Сирдарё вилоят МТТ улгуржи чакана савдо корхонаси раиси О.Саидов, бош ҳисобчиси К.Ҳусанбоев 183 млн. сўмга яқин, 2-сонли МКК раҳбари В.Соипов 13 млн. сўмлик дебитор қарзларига йўл қўйганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Бундан ташқари корхона-ташкилот ҳисобидан ундирилган жарима, пеня, суд харажатлари, яъни моддий зарарлар жавобгар бўлган раҳбар, мансабдор шахслардан прокуратуранинг регресс даъвоси асосида ундириб олинади. Бу соҳада хўжалик суди билан алоқаларимиз яхши йўлга қўйилган.

Вилоятда санацияга тушган 31 жамоа хўжалиги мавжуд. Бу борадаги икки йўналишни ўзимизнинг асосий вазифамиз деб белгилаганмиз. Биринчиси, санацияга тушган хўжаликларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга ёрдам кўрсатиш. Жумладан, уларнинг иқтисодий аҳволи оғирлигини ҳисобга олиб, дебиторлик қарзларини ундириб бериш юзасидан хўжалик судларига даъво аризалари киритилди. Амрномалар бериш йўли билан қарзлари ундирилди, ижтимоий инфраструктура иншоотларини хўжалик ҳисобидан тезроқ чиқарилиши назоратга олинди ва ҳакозо.

Иккинчиси, хўжаликни иқтисодий ночорлик аҳволига олиб келган раҳбарларнинг жавобгарлиги масаласи. Ўтган даврда бундай ҳолатлар юзасидан 26 та жиноят иши қўзғатилди. Хусусан, Меҳнатобод туманидаги Х.Норчаев номли ДФХБ бирлашмаси раҳбар шахсларининг мансаб ваколатларини суиистеъмол қилишлари, маҳсулот етказиб бериш тўғрисидаги шартномаларни бажармаганликлари оқибатида 1998 йил 98,9 млн. сўм зарар билан якунланиб, хўжалик манфаатларига жуда кўп миқдорда иқтисодий зарар етказилган. Гулистон туманидаги Усмон Носир номли ДФХБ раиси Ф.Қудратов ҳам ўз мансаб ваколатларини суиистеъмол қилганлиги натижасида хўжаликка 11,7 млн. сўм иқтисодий зарар етказилишига йўл қўйган.

Юқоридаги ҳар иккала ҳолат юзасидан прокуратура идоралари томонидан айбдор шахсларга нисбатан ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми билан жиноят ишлари қўзғатилиб, айбдорлар суд ҳукми билан тегишли жазога тортилдилар.

- Маълумки, Сирдарё вилояти асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослашган вилоятлар қаторига киради. Бугунги кунда республикамизда қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни жадаллаштириш юзасидан қатор фармонлар, қарорлар қабул қилинмоқда. Хусусан, қишлоқ хўжалигида хўжайинлик, эгалик туйғусини шакллантириш борасида қилинаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Айтингчи, вилоятда деҳқон-фермер хўжаликларининг аҳволи қандай? Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда вилоят прокуратураси қандай ишларни амалга оширмоқда?

- Вилоят ҳудудида 1998 йил 1006 та фермер хўжаликлари бўлган бўлса, бугунги кунга келиб 1492 та деҳқон-фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда ёки ўтган йилга нисбатан фермерлар сони 486 тага ошган. Булардан 271 таси чорвачиликка, 1221 таси деҳқончиликка ихтисослашган.

Фермер хўжаликлар эгаларининг диққат-эътибори қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, чет эл инвестицияларини жалб этишга қаратилмоқда. Жумладан вилоят бўйича жами ишлаб чиқариладиган пахтанинг 27,1 фоизи, ғалланинг 19,4 фоизи фермер хўжаликлари ҳисобига тўғри келади.

Фермер хўжаликларининг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга ҳуқуқий ва амалий ёрдамлар беришда прокуратура идоралари томонидан бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Боёвут туман ҳокимининг 1998 йил 31 декабрдаги 23-сонли қарори билан ташкил этилган «Келажак» ва «Чинор» фермер хўжаликларига 3 гектардан суғориладиган ер майдони ажратиб берилган. Бу билан фермер хўжаликларининг қонуний ҳуқуқлари бузилган. Чунки, Ўзбекистон Республикаси «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддасига асосан янги ташкил этилган хўжаликка камида 10 гектар ер майдони ажратилиши лозим.

Мазкур қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан туман ҳокимининг қарорларига нисбатан протест киритилиб, фермер хўжаликларининг ҳуқуқлари тикланди.

Бундан ташқари, вилоят прокуратураси томонидан фермер хўжаликларининг дебиторлик қарзларини прокурорлик таъсир чоралари қўллаш йўли билан ундириб берилиши масаласига ҳам жиддий эътибор берилмоқда.

- Сўнгги савол, прокурор маънавияти деганда нималарни тушунасиз?

- Прокурор маънавияти тушунчаси ниҳоятда кенг маънога эга. Уни бир сўз билан ифодалаш қийин. Менимча, прокурор имон-эътиқодли бўлиши, ўзини давлатнинг, халқнинг ҳимоячиси деб билиши лозим.

Бугунги прокурор фидокор бўлиши лозим. Халқнинг орасида бўлиши, у барча соҳалар - иқтисод, сиёсат, молия, қишлоқ хўжалиги ва бошқа йўналишлар бўйича ҳам етарли билимга эга бўлиши даркор. Қисқа қилиб айтганда, етарли билим ва тушунчага эга бўлиши, маъданиятли ва маърифатли бўлиши лозим.

Суҳбатдош: Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ

***

Фурқат ТОШМАТОВ олган суратлар

• *Фармон ва ижро*

МЕҲР-МУРУВВАТ БЕЛГИСИ

Жиноятчини жазолашдан кўра жиноятнинг олдини олиш, адашиб бу кўчага кириб қолганларни қайта тарбиялаш, ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этган ҳолда жамиятга қайтариш барча учун бирдек манфаатлидир. Бу республикамиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ эътироф этилиб, мустақиллик эълон қилиниши билан биринчи амнистияга имзо чекилаётганда ана шу гуманистик ғоя эътиборга олинган. Ҳар бир адашган жамият аъзосига тўғри йўл танлаши, ҳаётини изга солиши учун имконият бериш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.



Республикамиз Президентининг « 9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони ана шу сиёсатнинг узвий давомидир.

Ушбу Фармоннинг 1-моддасида миллий паспортлари ёки маълум бир мамлакат фуқаролигига мансублигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлган чет эл фуқаролари озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолардан озод қилиниши кўрсатилган.

Фармоннинг ушбу бандига асосан Қозоғистонлик фуқаролар Юрий Фомичев ва Юрий Орловлар жазони ўташдан озод қилиндилар.

Ю.Фомичев Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли бандлари билан 8 йилга, Ю.Орлов эса 15 йилга озодликдан маҳрум этилган эдилар.

- Фармоннинг аввалгиларидан фарқи шундаки,- дейди Бойиржон Алиев,- илгариги амнистиялар Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан ҳукм қилинганларга ёки Ўзбекистон фуқаролари бўлган жиноятчиларга қўлланилиши назарда тутилган эди. Ушбу амнистия эса бошқа давлатларнинг судлари томонидан ҳукм этилиб, жазони ўташ учун Ўзбекистон республикасига берилганларга, шунингдек, Республикамиз судлари томонидан судланган хорижий давлатлар фуқароларига нисбатан ҳам тўлиқ қўлланилиши белгиланган. Бу умуминсоний қадриятларга ҳаққоний амал қилишнинг ёрқин ифодасидир.

Ҳа, меҳр-оқибат, кечиримлилик, тойганни суяб, адашганга тўғри йўл кўрсатиш халқимизнинг азалий инсоний фазилатларидан ҳисобланади. Шу куни ҳибсхона дарвозасидан икки нафар Қозоғистон фуқароси ўзларига ишониб-ишонмай чиқиб келишди. Уларни суҳбатга тортдик.

Юрий Фомичев: -Ўғирлик билан қамалган эдим. Амнистиядан фойдаланиш ҳуқуқим борлигини билган кундан буён Президентингизга чин юракдан раҳматлар айтиб юрибман. Энди тўғри йўлдан қоқилмасликка ҳаракат қиламан.

Юрий Орлов: - Ҳали бирор бир мамлакатда жиноятга қўл урган чет эл фуқароларига нисбатан бу каби бағрикенглик қилинмаган. Бунинг учун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга минг бор қуллуқ қиламан. Ахир умримнинг неча йили қамоқда ўтиши керак эди. Энди ҳалол меҳнат қилиб, пешона терим билан кун кечиришга ҳаракат қиламан. Ўзбек халқининг бағрикенглигини, меҳр-мурувватини ҳеч қачон унутмайман.

«Бир-бирингизга кечиримли бўлинглар. Негаки, Аллоҳ ҳам гуноҳкорни кечиргувчидир» дейилади Ҳадиси Шарифда. Бироқ халқимизда «Кўр ҳассасини бир марта йўқотади» деган ибратли нақл ҳам бор. Бизнингча, амнистия туфайли озодликка чиқаётган маҳбуслар бу ҳикматнинг маъносини англашлари учун имконият берилди.

(Ўз мухбиримиз).

• *Божхона хизмати*

СЕРГАКЛИК

Ширин шаҳри ҳудуди қўшни Тожикистон Республикаси билан чегарадош. Бу эса божхоначилар зиммасига катта масъулият юклайди. Буни чуқур ҳис этган ходимларимиз ички ишлар бўлими, миллий хавфсизлик хизмати ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар.

Жорий йилнинг 7 ойи давомида божхона қоидаларининг бузилиши бўйича 13 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, давлат фойдасига 895250 сўмлик товар-моддий бойликлар мусодара қилинди. Шунингдек, ҳудудимизга Тожикистондан гиёванд моддаларни ноқонуний равишда олиб кириш ҳолатларининг ҳам пайи кескин қирқилмоқда. Жами 1475,7 грамм гиёванд модда ушлаб қолинди ва 4 кишига нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Ички ишлар бўлими ва миллий хавфсизлик хизмати ходимлари билан ҳамкорликда рейдлар ўтказилиб, қидирувдаги шахсларни топиш борасида ишлар ҳам ўз самарасини бераяпти.

Сўқмоқ йўллар ҳам доимий назоратда. Шу йил 15 июл куни назоратда. Шу йил 15 июл куни назорчилар Илҳом Қурбонов ва Умматқул Ҳамроқулов томонидан сўқмоқ йўлдан кетаётган Миррахим Мирҳамидов ва Эргаш Сафаров тўхтатилиб, текширилиши натижасида уларнинг 1 кило-ю 300 грамм қорадорини олиб ўтишаётганлиги аниқланди. Шу йил 21 май куни Зафароободдан келаётган бир фуқаро шубҳали кўринди. Текшириб кўрилганда у Ўктам Ҳотамов исмли шахс бўлиб, ундан оқ рангли кристалл модда, яъни 5,7 грамм «Героин» гиёванд моддаси топиб олинди.

Божхона масканида жангавор тайёргарлик бўйича ўқув машғулотлари ташкил этилган. Шахсий таркибга фавқулодда ҳолатларда қандай ҳаракат қилиш тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилиб, амалий машғулотлар ўтказилмоқда. Бундан кейин ҳам мамлакатимиз сарҳадларидаги маъсулиятли ишларимизда сергаклик ва ҳушёрликни қўлдан бермаймиз.



Ширин шаҳар прокурори К. Одилов (ўртада) божхона масканида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишмоқда.

Усмонали ЧИНТОШЕВ, 1-сон Ширин шаҳар божхона маскани бошлиги

• Прокуратура нашри

Ҳуқуқий маданият тарғиботчиси



Қонун устиворлиги нафақат бугунги, балки келажак авлодлар учун ҳам жуда зарурдир.

Демак, фуқароларнинг, ҳар бир инсоннинг ўз ҳақ-ҳуқуқини тўла англаб олишига эришиш бугунги куннинг муҳим вазифаси экан, бу борада залворли ишлар амалга оширилаётганлиги табиийдир.

Сирдарё вилояти ҳуқуқни муҳофаза этиш идораларининг «Адолат кўзгуси» газетаси таҳририятининг асосий фаолияти ҳам ана шу мақсадларга қаратилган. Бугунги кунда газета 13 минг нусхада чоп этилаяпти. Газета кўчалик ҳисобида ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаб, етарли даражада моддий-техника базасини яратган.

Таҳририят ходимлари ҳуқуқий билим ва маданият масалаларини тарғиб ва ташвиқ этишда бутун куч-қувватини, билим ва тажрибасини сарфламоқдалар. Газета саҳифаларида мунтазам ёритиб борилаётган ҳуқуқий мавзудаги ранг-баранг материаллар кўлами фикримизнинг ёрқин далилидир.

Газетанинг ҳар сонида бериб борилаётган «Ҳуқуқий дарсхона» саҳифасини газетхонлар орзиқиб кутишади. Чунки унда ҳар бир фуқаронинг кундалик турмушида дуч келадиган муаммолар ва уларнинг ҳуқуқий ечими тўғрисидаги саволларга аниқ ва батафсил жавоблар эълон қилиб борилаяпти. Шунингдек, чет эл қонунчилиги, жиноий жавобгарлик ва бошқа қонунбузарликлар учун жазо чоралари ҳақида ҳамда бу борада анча муваффақиятларга эришган мамлакатлар тажрибаларикенг ёритиб борилмоқда.

Фарзандлар тарбияси, оила тотувлиги кўп жиҳатдан аёлларга боғлиқ. Шу боис аёллар, уй бекаларининг ҳақ-ҳуқуқлари, имтиёзлари ёритилган мақолалар мунтазам бериб борилаяпти.

Шу ўринда ходимларимизнинг изланишлари хусусида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. 1999 йил 11 июндан бошлаб газетанинг рус тилидаги иловаси «Зеркало» чиқа бошлади.

«Адолат кўзгуси» - «Зеркало» газеталари жамоасининг режаларияда улкан. Ижодий изланишлар эса ўз самарасини беришига шубҳа йўқ.

Фарҳод НОРМАТОВ,
«Адолат кўзгуси»-«Зеркало» газеталари муҳаррири.

• Қонун — барчага баробар

«Илтимос» қимматга тушди

Туман акционерлик тижорат "Пахта банки"нинг бошқарувчиси Камолиддин Маматқулов ёш бўлса ҳам ўз ишига пухта, билимдон мутахассислардан саналарди. Тармоқда ўзига яраша обрў-эътибори бор, туман раҳбарлари орасида ҳам ҳурмати жойида эди. Аммо...

1998 йилнинг 28 майи эди ўшанда. Тушдан кейин кундалик юмушлари билан шуғулланиб ўтирган бошқарувчи хонасига туман машина-трактор парки давлат акционерлик жамиятининг бош ҳисобчиси Х.Пирматов тортинибгина кириб келди. Салом-аликдан сўнг муддаога ўтди:

- Хабарингиз бор, Қўрғонтепа туманидаги "Обод-3" хусусий фирмаси билан тузилган ўзаро шартномага кўра қишлоқ хўжалик машиналарига эҳтиёт қисмлар сотиб олганмиз. Аммо пулнинг бир қисминигина тўлаганмиз, холос. Фирма вакили келавериб сира тинчлик бермаяпти.

- Шартномани сизлар тузган бўлсаларингиз, дўппи тор келганда ваъдани катта бериб, керагича эҳтиёт қисм олдинглар. Фирма вакили менга ҳам бир-икки марта учради, - деди бошқарувчи. - Уларга ҳам осон эмас, ахир. Бир иложини қилингларда.

- Ана шу "иложи" масаласида ҳузурингизга келгандим, - яъни мулойимлашди бош ҳисобчи. - Биз ҳам андижонликлар олдида жуда хижолатдамиз.



Ўзингиз қўллаб юбормасангиз...

- Ҳисобингизда ҳамири бўлмаса қандай қўллайман, ахир.

- Дунёда иложсиз нарсанинг ўзи йўқ, акажон. Биласиз, хўжаликларда пулларимиз йиғилиб қолган. Ҳисобимизга келиб тушиши билан қайтарамиз.

- Майли, ўйлаб кўрамиз, - деди бошқарувчи ёнида бош эгиб турган бош ҳисобчини ноумид қилмай. - Ўзларингиз ҳам қараб турмай қарзларингизни тезроқ ундириш пайида бўлинглар.

Орадан кўп ўтмай бу масала туман микёсидаги йиғинлардан бирида ҳам кўтарилди. Оғир пайтда ёрдам берган ҳамкорларни ноқулай аҳволга тушириб қўйган МТП раҳбари анчагина дакки эшитди. Банк бошқарувчисига ҳам "имкониятларингизни бир кўриб чиқинг", деган илтимос бўлди.

"Имконият" ташкилот ҳисоб рақамидаги пул билан белгиланишини банк бошқарувчиси жуда яхши биларди. МТП ҳамёни эса ўша кезлари қуп-қуруқ эди. Камолиддин Маматов пули бор ташкилотларга оид ҳужжатларни бир-бир варақлаб чиқди да, туман пенсия жамғармасига етганда қатъий хулосага келди. "Ҳар ҳолда ишлаб чиқариш корхонаси эмас. МТПга пул тушгунча бир амаллаб турар" деди-да, қўл остидаги мутахассислар эътирозига қарамай "Обод-3" хусусий фирмаси ҳисобига 505 минг сўмни ўтказиш ҳақида ҳужжат тайёрлаб, шахсан ўзи имзо чекиб юборди. Бу ҳақда жамғарма раҳбариятини огоҳлантириб ҳам ўтирмади. Ушбу ҳаракати билан у Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 205-моддаси 2-қисми "а", "в" бандлари ҳамда 209-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этди.

Хўш, К.Маматов мансабдор шахс сифатида ушбу иши оғир жиноят эканлигини билармиди?

Ҳа, ўз соҳасининг билимдони сифатида қандай ишга қўл ураётганлигини жуда яхши биларди. Тергов чоғида у "айбини тўлиқ бўйнига олди". Бироқ, энди кеч эди. Қонун эса бундай "сахийликни" сира кечирмайди. У банк бошқарувчисими, бошқа соҳа ходимими, барчага баробар. "Илтимос"чиларни ҳам, "кўнгли бўш раҳбарларни" ҳам бирдай жазолайди.

Турғунбой САГАТОВ,
Мирзаобод тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси.

(Давоми. Бошланиши 3-бетда)

Ёшлар кўнглига йўл топайлик

раяпти. Бироқ тадбирларимизнинг ўзи камлик қилади. Биз ёшлар даврасига, ичига, қалбига кириб боришга ҳаракат қилишимиз лозим.

Маълумки, «Камолот» жамғармаси туман хўжаликларида, ташкилот ва корхоналарда жамоатчилик марказларига эга. Бироқ маҳаллалардачи? Ахир тарбия филадан сўнг маҳаллада шаклланади. Шунинг учун ҳам биз ўз жамоатчилик марказларимизни маҳаллаларда ҳам ташкил этмоқчимиз. Шунда маҳаллаларда ҳам ёшларимизнинг вакили бўлади. Қуш тилини қуш билади, деганидек, ёшларимиз ҳам ўз муаммоларини тенгдошлари билан баҳам кўришни хоҳлайдилар.

Жиноятчиликнинг келиб чиқиш сабабларидан бири ишсизлик ҳамдир. Вилоятимизда ишсиз ёшлар йўқ эмас. Бироқ шундай экан, деб қўл қовуштириб ўтириш ярамайди. Масалан, қишлоқ жойларда нима кўп, ер кўп. Фақат унда ишловчи, шижоатли ёшлар керак. Агар хўжаликлар билан шартнома асосида ер олиб ишласа қанчалар даромад олиш мумкин. Шу ўринда яна бир кўз юмиб бўлмайдиган ҳақиқатни айтиб ўтишни истар эдим. Демоқчиманки, мактабни битирган ўсмир ишлагиси бор, бироқ у қаерга мурожаат қилишни билмайди. Бунинг учун эса уларга биз кўмак беришимиз керак. Бу ишларни амалга оширишда эса юқорида айтганимдек жойлардаги жамоатчилик марказларининг аҳамияти каттадир.



Неъмат Толибоев,
вилоят меҳнат бошқармаси бошлиғи ўринбосари:

- Шу йилнинг август ойигача вилоятдаги меҳнат бўлимларига мурожаат этиб келган ёшларнинг сони 2920 нафарни ташкил этади. Шулардан 1504 нафари турли жойларга ишга жойлаштирилди. 367 нафар ёшлар ўқитиш ва қайта ўқитишга юборилди. 596 нафар ёшлар ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилди. Қолган 210 нафар ёшларга эса ишсизлик нафақаси тайинланди.

Ёшларимизни иш билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида «Камолот» жамғармаси билан ҳамкорликда бўш иш жойлари ярмаркасини ташкил этиб келмоқдамиз.

Биз бу каби тадбирларни тезтез ўтказиб туришини мақсадли деб биламиз. Бунинг учун барча жамоат ташкилотларини жалб этиш фойдадан холи бўлмасди. Жумладан, барча корхона ва ташкилотларда касаба уюшмалари қўмиталари мавжуд. Улар ёшлар учун корхонада махсус иш жойлари ажратилишини, уларга ёшларнинг қабул қилишини назорат қилиши, шунингдек ёшларнинг меҳнатга мослашишига ёрдам бериши жуда муҳимдир. Шу билан бирга бўш иш жойлари ярмаркаларини бевосита корхона, ташкилотларнинг ўзида ўтказиш мақсадга мувофиқ бўларди.



Мавлуда Ҳусаинова,
вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси муовини:

- Жиноятлар содир этилишида аёлларимизнинг, айниқса ёш-ёш қизларимизнинг иштироки ачинарли ҳолдир.

Қадимдан маънавият ва маданият бешиги бўлиб келган Шарқда қизлар тарбиясига ўта жиддий эътибор берилиб келинади. Бугун ҳам қизларимиз тарбиясига ота-оналардан ташқари, боғча, мактаб ва бошқа ўқув муассасалари, маҳалла қўмиталари, хотин-қизлар кенгашлари жиддий киришишлари зарур, деб ўйлайман. «Одобнома» дарсларига муносабатни тубдан яхшилаш керак.

Мен бир нарсани айтмоқчиман. Турли мавзуларда ўтказиладиган тадбирларга аввало кимлар келади?

Уларда фақатгина қизиқувчи, фаол ёшларгина иштирок этади, холос. Биз айтаётган тарбияси оғир ёшлар эса яна кўчада қолаверади. Чунки бу тадбирларга уларда қизиқиш йўқ. Баъзан уларни таклиф этишни ҳам унутиб қўямиз. Бизнинг вазифамиз уларнинг кўнглига йўл топа билишдир.



Раиса Таматаева,
вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси:

- Ҳақиқатан ҳам мактабнинг 9-синфини битирган минглаб ўсмирлар қаёққа боришини, қаерга ишга киришини билмайди. 9-синфни битирган ўқувчиларнинг бор йўғи 10 фоизи турли ўқув юртларига ўқишга кираяпти. Қолган 90 фоизи-чи?

Мисол учун, Гулистон шаҳрида 256 нафар ўқувчи ўқишга кирган, 177 нафари ишга жойлашган, 71 нафари ҳеч қаерда ишламайди, ўқимайди. Бундан ташқари мактабни жуда эрта 5-6- синфлардаёқ ташлаб қўяётган ўсмирлар ҳам йўқ эмас. Улардан баъзиларининг жиноят йўлига асоссиз билан кириб кетишини эътиборга олсак, бу борада баҳамжиҳатлик билан ҳали катта ишлар қилиниши керак, деб ўйлайман.

Вилоят прокуратураси ташаббуси билан Гулистон шаҳридаги 11-ўрта мактабда махсус ҳуқуқшунослик синфи ташкил этилди. Вилоят мактабларининг 9-синфини битирган, ҳуқуқшунослик билимига қизиқувчи иқтидорли ўғил-қизлар тест асосида танлаб олинди. Синфда ўқувчиларга 2 йил давомида ўрта мактаб дастури-бошқа фанлар қатори ҳуқуқшунослик бўйича чуқур билим берилади. Дарсларни малакали ҳуқуқшунослар олиб бормоқда.

Бундан ташқари тарбияси оғир болаларни жазони ўташ жойларига олиб бориб, у ердаги махбуслар билан суҳбатлар уюштирдик. Натижаси кутилгандан ҳам яхши бўлди. Чунки уларни кўрган болалар ўзларига тегишли хулоса чиқариб олишди. Жиноятнинг оқибати нимага олиб келишини ўз кўзлари билан кўришди.

Ёшларимизнинг ҳуқуқий билимларини оширишимиз керак. Токи улар жиноятга жазо муқаррар эканлигини тушунсинлар. Бунинг учун эса бугунгидек мулоқотларни тез-тез ўтказиб туришимиз зарур.

Ш. ЖАҲОНГИРОВ ёзиб олди.

• *Алпомиш достонининг катта тўйи олдидан*

АСРЛАР-ЛА БЎЙЛАШГАН ДОСТОН

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг директори, фольклоршунос Тўра Мирзаев билан суҳбат

— Ўтган йили январь ойида Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш ҳақидаги қарори юртимизда содир бўлаётган долгали ўзгаришлар оқимида алоҳида ўрин тутадиган катта воқеа бўлди.

Қарор жуда катта илмий асосга эга. Унда ўзбек халқи миллий эпоси сифатида «Алпомиш» достонининг яратилиш даври ҳақида бир тўхтамга келинганлиги халқ эпосининг тарихий-ҳаётий асослари, сюжет тизимининг шаклланиш ва тараққиёт босқичлари, достончилик мактабларининг асрий анъаналари ва бахши ижрочилигининг бугунги ҳолати муаммоларини, бир достон мисолида жаҳон халқлари, жумладан, туркий халқлар эпик ижодиётидаги генетик, контакт, ўзаро алоқаларни ҳар томонлама ўрганишга кенг имкониятлар очади. Шунингдек, «Алпомиш» достонини ҳар томонлама ўрганиш ўзлигимизни теран англаш демакдир. Ушбу қарор ва маънавият соҳасида қабул қилинган бошқа қарорлар бизни буюклик билан уйғунлаштиради, ўз илдизимиздан кучқувват олиб, дунёга янгича назар ташлашимизга даъват этади. Миллий мустақиллик мафкураси ҳам аввало ўзликка боқишдан, ўз-ўзини танишдан бошланади. Чунки фольклор миллат қиёфасини ўзида тўла сақлаб, бугунни ўтмиш билан чамбарс боғлаб келаётган ўзига хос феномендир. Қарорда «фольклор меросини авайлаб-асраш ва авлодларга тўла етказиш» зарурлиги алоҳида таъкидланаётганлигининг боиси ҳам ана шундадир.

— Фольклоршунослар «Алпомиш» достони энг кўп ёзиб олинганлигини ҳамиша таъкидлаб келадилар. Шу вариантларнинг тўпланиши, нашрлари ва ўрганилиш тарихи ҳақида маълумот берсангиз.

— «Алпомиш» достони вариантларининг фанда аниқланиши ва ёзиб олиниши бир вақтда, бир хил даврда рўй берган эмас. Масалан, достоннинг қозоқ ва қорақалпоқ вариантлари XIX асрнинг охирлари ва XX асрнинг бошларида ёзиб олина бошланган бўлса, ўзбек вариантлари анча кеч, 20-йилларнинг бошларида аниқланган. Олтой версияси, икки вариантда 1939 ва 1957 йилларда ёзиб олинган. Ёки тожик версияси 1956-1957 йилларда тўрт вариантда ёзиб олинган бўлса, арабча эртак шаклини туркшунос И. Винников Қашқадарё вилояти Жейнов қишлоғида 1938 йилда ёзиб олган. Энг кўп ёзиб олинган қорақалпоқ ва ўзбек версияларидир. Қорақалпоқ версияси 8 вариантда, ўзбек версиясиэса, ўттиздан ортиқ халқ достончисидан тўла ҳолда, парча, баён тарзда ўттиз беш марта ёзиб олинган. Бу ҳисоб достоннинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва Адабиёт институти фольклор архивида сақланаётган нусхаларигача тегишлидир. Бундан ташқари достоннинг бошқа жамғармаларда (масалан, Санъатшунослик институтида), шахсий архивларда сақланаётган вариантлари ҳам мавжуд.

Достоннинг ўзбек вариантларининг тўпланиш ва нашр этилиш тарихи ғоятда қизиқарлидир. Бу ўзбек фольклоршунослигининг фан сифатида шаклланиши ва ривожланиши билан бевосита боғлиқдир. 1922 йилнинг ёзида биринчи ўзбек профессори Фози Олим Юнусов Туркистон Маориф комиссариати Давлат илмий кенгашининг ўзбек билим ҳайъати йўлланмаси билан Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида илмий сафарда бўлади. Сафар давомида у ўзбек шевалари ва этнографиясига оид материаллар тўплаш билан бир қаторда Ҳамроқул бахши ва Фозил Йўлдош ўғлидан «Алпомиш» достонининг бир қисмини ёзиб олади. Унинг маълумотига қараганда, қўлёзма 50 саҳифадан иборат бўлган. Фози Олим Юнусов «Билим ўчоғи» журналининг 1923 йил 2-3 сонида ўзи ёзиб олган нусхадан парчалар эълон қилди. Достоннинг бошланишидан Бойсарининг Кашалга кўчишигача бўлган қисм Фозил Йўлдош ўғли айтган достондан («Билим ўчоғи журнали, 39-44-бетлар), Бойсарининг Кашалга келганидан Алпомишнинг Барчинни излаб йўлга чиқиши ва мозоротда тунашигача бўлган воқеалар Ҳамроқул бахши куйлаган «Алпомиш»дан (45-59-бетлар) олинган. Фози Олим ёзиб олган вариантнинг қолган қисми маълум эмас. У тўплаган бошқа материаллар қатори «Алпомиш» қўлёзмаси ҳам йўқолган.

«Билим ўчоғи» журналида эълон қилинган қисм достоннинг биринчи оммавий нашри ҳисобланади. 20-йилларда «Алпомиш» достони ҳақидаги мулоҳазалар Фози Олим нашри доирасида бўлди. Масалан, профессор Фитратнинг 1928 йилда нашр этилган «Ўзбек адабиёти намуналари» китобида мазкур нашрдан фойдаланилган. Унда Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган қисми қайта нашр этилган.

«Алпомиш» достони 1926 йилдан бошлаб етакчи халқ бахшиларидан тўла равишда ёзиб олина бошланди. Дастлаб 1926 йилда шоир Абдулла Алавий Тошкент вилояти Эвалак қишлоғилик Берди бахшидан достоннинг бир вариантини ёзиб олди.

Ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Ҳоди Зарифнинг маълумотларига қараганда, достоннинг энг мукаммал варианти Фозил Йўлдош ўғли нусхаси 1928 йилнинг ёзида икки ой давомида шоирнинг уйида олимнинг раҳбарлигида Маҳмуд Зарифов томонидан ёзиб олинган. Фозил Йўлдош ўғли вариантининг биринчи қисми қисқартирилган ҳолда 1939 йилда Ҳоди Зарифнинг «Ўзбек фольклори» хрестоматиясида (80-128-бетлар) нашр этилди. Худди шу пайтдан бошлаб Фозил Йўлдош ўғли вариантидан парчалар мактаб хрестоматиялари, ўқув қўлланмалари, турли тўпламларда мунтазам равишда нашр этилиб келинмоқда. Худди шу йили қисқартирилган матн асосида Ҳамид Олимжон нашри юзага келди. Шоир Ҳамид Олимжон достонни нашрга тайёрлаган, уни қарийб ярмига қисқартирган. Аммо бу қисқартириш шу даражада билим ва санъаткорлик билан амалга оширилганки, бу ҳолат достоннинг яхлитлигига путур етказмаган. 1957 ва 1958 йилларда достоннинг Ҳамид Олимжон номидан амалга оширилган иккинчи ва учинчи нашрларида эса матн анча бузилган ва ўринсиз таҳрирларга йўл қўйилган. Кейинроқ камина устоз Ҳоди Зариф билан ҳамкорликда Фозил Йўлдош ўғли варианти асосида достоннинг бироз қисқартирилган матнини нашрга тайёрладик. Бу матн 1979, 1985 йилларда икки марта нашр этилди. 1987 йилда янада бироз қисқартирилган ҳолда босилиб чиқди. Унинг нисбатан тўла нашри 1992-1993 йилларда икки жилдда чоп этилди. 1998 йилда Фозил Йўлдош ўғли варианти тўла равишда «Шарқ» матбаа-нашриёт концерни томонидан нашр қилинди. Достоннинг умумий ҳажми наср қисмларидан ташқари 13715 шеърий мисрани ташкил этади.

Достон вариантларини ёзиб олиш 30-40-йилларда ҳам давом этди. 1937 йилда Юсуф Султонов Кўқоннинг Бешкапа қишлоғида яшовчи Бўри бахшидан, 1938 йилда Шамси Муродов Қизилтепа туманининг Кенгас қишлоғида яшовчи Саидмуродов Паноҳ ўғлидан, 1944 йилда Мансур Афзалов Нурота туманнинг Кўтир қишлоғида яшовчи Бекмурод Жўрабой ўғлидан, 1945 йилда Қосим Муҳаммедов Шеробод туманининг Чиғатой қишлоғида яшовчи Мардонақул Авлиёқул ўғлидан достон вариантларини ёзиб олдилар. Шуниси, қизиқки, қизилтепалик Саидмуродов Паноҳ ўғли вариантини ёзиб олишни 13 ёшлимактаб ўқувчиси Шамси Муродов амалга оширган. Бу нусхани ҳам камина нашрга тайёрлаган эди ва у 1972 йилда «Одилхон» китоби таркибида босилиб чиқди. Ҳозир қайта нашр этилмоқда.

Достон вариантларини ёзиб олиш билан кейинги йилларда ҳам изчил шуғулланилди. 1954 йилда Фатхулла Абдуллаев Янгиқўрғон туман Говозон қишлоғида яшовчи Ҳайдар Бойча ўғлидан, 1955 йилда Зубайда Ҳусаинова Китоб тумани Қайнарбулоқ қишлоғида яшовчи Абдулла Нурали ўғлидан, Зубайда Ҳусаинова билан Музайяна Алавия шу туманнинг Шотири қишлоғида яшовчи Ҳамро Эргаш ўғлидан, Мансур Афзалов Шаҳрисабзда турувчи Зоҳир Кўчқор ўғлидан, 1956 йилда Охунжон Собиров Деҳқонобод тумани Қорашина қишлоғида турувчи Умир шоирдан, 1958 йилда А. Мирзаев Гулистон тумани Қуйботтан қишлоғида турувчи Мурод Отабой ўғлидан, Мансур Афзалов Жарқўрғон тумани Жалойир қишлоғида яшовчи Мамадрайим бахшидан, 1960 йилда Малик Муродов Ғиждувон тумани Заҳқаш қишлоғида яшовчи Амин Малик ўғлидан, 1962 йилда камина Малик Муродов билан биргаликда Хатирчи туман Ёнбош қишлоғида яшовчи Эгамберди Олламурод ўғлидан, яна шу йили камина Данғара тумани, Кўшқия қишлоғида яшовчи Аҳмаджон Соибназар ўғлидан, 1963 йилда Тожикистоннинг Колхозобод тумани Пахтаорол қишлоғида турувчи Бўрибой Аҳмедовдан, 1964 йилда Малик Муродов Янгиқўрғон тумани Ораориқ қишлоғида яшовчи Раззоқ Қозоқ ўғлидан достон вариантларини ёзиб олдилар. 1968 йилда атоқли шоир-қиссахон Раҳматулла Юсуф ўғли ўз вариантини ёзиб топширди. Шунингдек, сурхондарёлик фольклоршунос Т. Турдиев ҳозир бархаёт бахши Хушбоқ Мардонақулов вариантини ёзиб олиб, уни 1998 йилда «Ёзувчи» нашриётида нашр этди.

— Шу ўринда мени бир нарса ўйлантириб қолди. Профессор М. Муродов «Фидокор» газетасида эълон қилинган бир мақоласида «достон матни асримизнинг 20-йилларигача ёзиб олинмаган, шўро замонида ёзиб олинган вариантларнинг айрим ўринлари ҳукмрон сиёсат қолипига солиниб, қайта ишланган замонасозлик қилинганини» ёзади. Архивдаги барча қўлёзмалар билан танишиб чиққан бир мутахассис сифатида айтинг-чи, кейинги пайтларда оммавий ахборот воситаларида тез-тез учраб тураётган шу хилдаги мулоҳазаларда қанчалик асос бор?

— Бу масала ғоятда жиддий. Бунда ҳар бир ҳодиса ва ҳолатга конкрет ёндошув зарур. Чиндан ҳам 30-йилларда хусусан, ёзувчиларнинг биринчи қурултойида М. Горькийнинг маърузасидан кейин, «Ижодий зиёлилар юзини фольклорга буриш кампанияси» бошланиб кетди. Натижада айрим ижодкорлар томонидан «ясалган», ҳаваскорлар томонидан тўқилган сохта намуналар халқ номидан эълон қилинди, ҳатто анъанавий фольклорга ҳам «қўл уришлар» бўлди.

Энди бевосита «Алпомиш»га келсак, унинг бадиий юксак вариантлари худди шу 20-йилларда Пўлкан ва Эргаш Жуманбулбул ўғли, Берди бахши ва Фозил Йўлдош ўғли каби бахшилардан ёзиб олинган. Бундай вариантларга шубҳа билан қарашга ҳеч қандай асос йўқ.

Институтнинг фольклор архивида сақланаётган қизилтепалик Саидмурод Паноҳ ўғли, нуроталик Бекмурод Жўрабой ўғли, деҳқонободлик Умир Сафар ўғли, шерободлик Мардонақул Авлиёқул ўғли, жарқўрғонлик Мамадрайим бахши, атоқли достончи Ислом Назар ўғли қуйлаб келган достон хусусиятларини ўзида тўла сақлай олган, унинг шогирди Зоҳир Кўчқор ўғли, Эргаш шоирнинг шогирди Раҳматулла Юсуф ўғли вариантларини алоҳида аҳратиб кўрсатиш мумкин. Вақти-соати билан бу нусхалар ҳам албатта нашр этилади. Аммо бугун улардан «шўролаштирилган» унсурларни қидириш инсофдан эмас. Чунки улар Ҳоди Зариф, Мансур Афзалов, Музайяна Алавия каби халқ ижодини тўплаш ва ўрганишни ўзининг қисмати деб билган ҳалол, виждонли фольклоршунослар томонидан ёзиб олинган. Агар бугун айрим матбуот саҳифаларида асоссиз, нуқул ҳиссиёт билан ёзилган, масала моҳияти ва тарихини билмасликдан юзага келган баённомалар, онда-сонда бўлса ҳам, учраб турмаганда эди, ҳаммага беш қўлдай аён бу гаплар... Бу ерда такрорлаб ўтиришга ҳожат бўлмас эди. Биттагина мисол келтирай... Журналист Абдуғаффор Одина шундай ёзади: «Шўро олимларининг Алпомиш ҳақидаги тадқиқотларини ўқисангиз, гап одам ҳақида эмас, балки ҳодиса ҳақида бораётгандай туюлади. Достонни шўро мафкурасига шунчалик мослаганларки, фақат Алпомишни зиндондан Сергей ёки Петров қутқармайди, холос». Шўро даврида «Алпомиш» достони бўйича қимлар тадқиқот олиб борган. Ҳоди Зариф, Мансур Афзалов, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Тожибой Бозибоев... Қизиқ, Шўро даврида улар доимий таъқиб остида бўлганлар, бугун ҳам уларнинг руҳларини тинч қўймасак...

— Эҳтимол, журналист 1952 йилда «Алпомиш» достонини қоралаб мақолалар ёзган А. Абдунабиев ва А. Степановларни назарда тутаётгандир.

— Ундай эмас. Уларнинг «Алпомиш» ҳақидаги ажойиб тадқиқотлар ва бой манбалардан хабарсизлигишундоққина кўриниб турганлигини таъкидламоқчиман. Иккинчидан, А. Абдунабиев ва А. Степановлар «Алпомиш» достони ҳақида тадқиқотлар олиб бормаганлар. Фақат Фозил шоир вариантининг рус ча таржимаси асосида қоралов ёзганлар, холос. Гапим қуруқ бўлмаслиги учун А. Абдунабиевнинг 1952 йил 28 мартдаги нутқидан биттагина мисол келтираман: «Биз Жирмунскийга, профессор Бертельс ва Климовичга, космополит Зарифовга, ёзувчилар Мақсуд Шайхзода ва Собир Абдуллага, фольклоршунос Богдановага, доцент Афзаловга, шоир Пеньковскийга сиёсий айблов эълон қиламиз». Бу гапларнинг илмий тадқиқотга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Улар собиқ қаттол тузумнинг қоралаш, ман этиш, маҳкум қилиш сиёсатининг шармандаларча ифодаси, холос...

— Достоннинг ман этилиши ҳақида батафсилроқ сўзласангиз.

— Ҳали Фозил Йўлдош ўғли, Ислом шоир, Бекмурод Жўрабой ўғли, Умир шоир, Мардонақул Авлиёқул ўғли, Абдулла шоир, Ёрлақаб Бекназар ўғли каби улкан достончилар барҳаёт бўлиб, «Алпомиш» достонини элимиз орасида бутунҳафосатибилан куйлаб келаётган бир пайтда А. Абдунабиев ва Степановлар «Правда Востока» газетасининг 1952 йил 29 январь, «Литературная газета»нинг 14 февраль, «Звезда Востока» журналининг 2-сонларида достонни кескин қораловчи мақолалар эълон қилдилар. Ўша давр таомилига кўра, бундай чиқишлардан кейинроқ кенгашлар, йиғилишлар ўтказилиб, кескин маъмурий чоралар кўрилар эди. «Алпомиш» достонига нисбатан ҳам шундай бўлди.

Гирт туҳматдан иборат бундай мақолаларни ўша даврнинг ўзбек тилидаги матбуоти эълон қилмаган. Менинг назаримда, зимдан бўлса ҳам, бу бўлаётган воқеаларга нисбатан ўзига хос норозилик белгиси эди.

«Алпомиш» учун кураш фақат ана фольклор меросини сақлаб қолиш учун кураш бўлмай, балки миллат орномуси, унинг қадрияти ва ўзлигини асраш учун халқ кураш бўлганлигини тушунтира боришимиз лозим. Ана шунда Вазирлар Маҳкамасининг «Алпомиш» достонияратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорининг аҳамияти янада ёрқинроқ аён бўлади.

Суҳбатдош Робия РАЖАБОВА, филология фанлари номзоди

• *Аср вабоси*

ГЕРОИН ЎЙИНИ

Республикамиз жиноятчиликка қарши курашиш ва қонун устиворлигини таъминлаш борасида нафақат Марказий Осиё, балки Ҳамдўстлик давлатлари орасида ҳам алоҳида нуфузга эга. Айниқса, гиёвандлик моддалари билан боғлиқ жиноятчилик пайининг кескин қирқилиб, бундай ҳолларга барҳам берилиши гиёвандликка қарши кураш билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар томонидан ҳам юқори баҳоланди. Мамлакатимизда гиёванд ўсимликлар етиштириш, наркотик моддаларни сотиш ва ўтказиш ҳолларига чек қўйилган бўлса-да, ана шундай заҳри қотилларни хориждан келтириш, ҳудудимиз орқали бошқа давлатларга олиб ўтишга уриниш давом этаяпти. Бундай жиноятлар асосан, мамлакатимизга ғаразли мақсадда ташриф буюрган чет эл фуқаролари томонидан содир этилмоқда. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг фаол ҳаракатлари натижасида уларнинг жиноий қилмишлари ўз вақтида фош этилаётир. Қуйидаги мақола ҳам ана шу хусусида.

***

Судланувчи Абдул Жамил Ражаб 1958 йилда Балх вилоятида туғилган, миллати тожик, Афғонистон Ислом давлати фуқароси, маълумоти тугалланмаган ўрта, ҳеч қаерда ишламайди, оилали, 3 нафар фарзанди бор, вақтинча Тошкент шаҳрида истиқомат қилган.

Судланувчи Алҳож Аҳмад Гаус Залмай 1955 йилда Кобул шаҳрида туғилган. Миллати тожик, Афғонистон Ислом давлати фуқароси, маълумоти олий, оилали, қарамоғида 5 нафар фарзанди бор. Афғонистон Ислом ҳаракати партиясининг маданият ишлари бўйича маслаҳатчиси бўлиб ишлаган. Вақтинчалик пойтахтимизда яшаган.

***

Абдул Жамил Ражабнинг Тожикистон Республикасининг Хўжанд шаҳрига нима мақсадда ташриф буюргани, қандай ишлар билан шуғулланган фақатгина унинг ўзигаю, ҳамтовоқларига аён эди. Кейин маълум бўлишича...

1998 йил август ойининг охирларида Абдул Ражаб таниши Алҳож Залмайга қўнғироқ қилиб, ўзини Бекобод шаҳрида кутиб олиб, Тошкент шаҳрига олиб кетишини сўраган. Алҳож Залмай ҳам кўп ўйланиб турмасдан, меҳмонига пешвоз чиқиш учун Бекобод шаҳрига отланади. У ўзига тегишли бўлган «Мерседес-Бенц-190» русумли, дипломатик рақами D 1406 бўлган автомашинада йўлга чиқар экан, Раббоний исмли шахсга ҳам биргаликда бориб келишни таклиф этади. Шундай қилиб, иккаласи Бекобод шаҳрида Абдул Ражабни кутиб олиб, Тошкентга олиб келишади. Алҳож Залмай меҳмони шарафига уйида зиёфат уюштиради. Меҳмондорчилик ниҳоясига етгач, Раббоний улар билан хайрлашиб, жўнаб кетади. Шундан сўнг, Абдул Ражаб ва Алҳож Залмай машина турган гаражга боришади. Абдул Ражаб ёнида бўлган героин моддаси жойланган учта пакетни гараж ичидаги эски картон қути ичига бекитиб қўяди.

Воқеа давомини Алҳож Залмайнинг судда берган кўрсатмалари билан давом эттирамиз:

«... Абдул Ражаб сумкаси ичидан олган уч дона целлофан пакетни гараж ичидаги автомашина эҳтиёт қисмлари орасига бекитиб қўйганидан сўнг, у ерга нимани қўйдинг, деб сўрадим. У эса бепарволик билан «кейин айтаман», деди. Шундан сўнг кўчага чиқиб кетдик. Бир оз юрганимиздан сўнг, Абдул Ражаб менга бир зум қараб турди-да, «Бояги нарсалар наркотик моддалар - уч килограмм героин. Бу ҳақда бировга айтсанг, оила аъзоларингни ўлдириб кетадилар, лом-мим демай, уч-тўрт кун кутсанг, уларни сотиб юбораман, ҳеч ким билмайди», деди.

Абдул Ражаб шу билан 10 кунча менинг уйимда яшаб юрди. Бу орада унга бошқа ердан ижарага жой топиб бердим. Кейин у уйимдан чиқиб кетди. Орадан бир ойларча вақт ўтгач, Абдул Ражаб уйимга келди. Термиз шаҳрида турувчи Болтабой исмли таниши унинг ёнига келганлигини, гаражда турган пакетлардан биттасини сотиб бериш учун унга олиб бериш лозимлигини айтди. У кета туриб эртага ҳеч қаёққа кетиб қолма, соат 13.00 ларда бир жойга бориб келамиз, деди. Эртаси куни айтилган вақтда унинг уйига бордим. Абдул Ражаб Термиздан келган таниши Болтабой исмли шахс билан ўтирган экан. Биз бир оз суҳбатлашдик. Ўзаро гурунг давомида Абдул Ражаб менга қарата, «кўрдингми, 1 килограмм героинни сотиб юбордим. Қолган 2 килограмини ҳам сотсак, Тошкентнинг энг яхши ресторанида ўтирамиз», деди. Кейин биргаликда гаражга бориб, у ердан машинани олдик. Уйга бориб кийимларимни алмаштириб чиқдим. Бу вақтда Абдул Ражаб эҳтиёт қисмлар орасига яшириб қўйилган, пакетларни олиб «Л&М» ёзуви бўлган оқ, қизил рангли пакетга солиб олган экан. Автомашинага ўтиришимиздан олдин, у ўзи ўтираётган олдинги ўриндиқ тагига пакетни яшириб қўйди. Ўзимга тегишли бўлган «Мерседес-Бенц-190» русумли автомобилда гараждан чиқдик. Катта йўлга тушиб, 30-40 метрлар юрганимиздан сўнг машинани тўхтатишни буюришди. МХХ ходимлари холислар иштирокида машинада тинтув ўтказишди. Абдул Ражабга тегишли пакет ичидан икки килограмм наркотик моддани топиб олишди. Мен Абдул Ражабдан қўрққанлигим сабабли, милиция ходимларига гиёванд моддалар ҳақида хабар қила олмаган эдим».

Алҳож Залмай айбини енгиллаштириш мақсадида ўзининг фойдаси учун юқоридаги важларни ўйлаб топган. Аслида эса у Абдул Ражабнинг барча сир-асрорларидан хабардор бўлиб, жиноятни амалга оширишда унга шерикчилик қилган.

Судланувчи Абдул Ражаб эса, суд тергови даврида героин моддаси ҳақида ҳеч нарса билмаслигини, уларни Тошкентга олиб келмаганлигини маълум қилган. Аммо унинг асоссиз важлари Алҳож Залмай ва бошқа гувоҳларнинг кўргазмалари, ишга алоқадор далил-исботлар билан тўлиқ инкор этилди.

Ушбу жиноий иш Тошкент шаҳар Миробод туман судида кўриб чиқилди. Судланувчи Абдул Жамил Ражаб мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилинган ҳолда, тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан 16 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Тайинланган жазо муддатини қаттиқ тартибдаги колонияда ўташ кўрсатилди.

Алҳож Аҳмад Гаус Залмайга ҳам суд қилмишига яраша жазо тайинлади. У мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилинган ҳолда 15 йилга озодликдан маҳрум этилди. Унга ҳам жазо муддатини қаттиқ тартибдаги колонияда ўташ белгиланди.

Шундай қилиб, мамлакатимизни гиёванд моддаларни ўтказиш, сотиш бозори деб билган «меҳмон»ларнинг жиноий қилмиши фош этилди. Бу каби жиноятларнинг олдини олиш, пайини қирқишда албатта, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг меҳнатлари катта бўлмоқда. Бу йўлдаги кураш эса асло сусайтирилмайди.

Фарҳод ШАЙМОНОВ,
Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим прокурори

• *Янги қўлланма*

ДОЛЗАРБ МУАММО ЕЧИМИ

Маълумки, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларида таълим тизимини ислоҳ қилиш, ўқитиш ҳамда таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш устувор вазифалар сифатида қайд этилган. Булар эса олимларимиз зиммасига ўқув фанларининг замонавий дастур ва дарсликларини давр талаби, илм-фаннинг сўнгги ютуқларини ҳисобга олган ҳолда янгилаб бориш вазифаларини юклайди. Олимларимиз А.Саидов ва У.Тожихоновлар томонидан яратилган «Давлат ва ҳуқуқ асослари» деб номланган янги ўқув қўлланмани юқоридаги вазифаларни амалга ошириш борасидаги илк қадамлардан бири сифатида баҳолаш мумкин.

Ушбу ўқув қўлланмаси тўрт бўлимдан иборат.

Қўлланманинг I бўлимида «жамият», «фуқаролик жамияти», «давлат», «ҳуқуқий давлат» тушунчалари лўнда ва тушунарли ифодаланиши билан бирга давлатнинг келиб чиқиши ва давлат белгилари, асосий функциялари, шакллари, механизми ҳақида аниқ маълумотлар берилган.


Китобнинг «Ҳуқуқ асослари»га бағишланган II бўлими ҳуқуқнинг давлат билан ўзаро боғлиқлиги, асосий белгилари, асосий функциялари, ҳуқуқнинг келиб чиқишига доир турлича назариялар, ижтимоий нормалар тизимида ҳуқуқнинг ўрни, ахлоқ ва ҳуқуқнинг ўзаро алоқадорлиги, ҳуқуқ нормалари ва уларнинг белгилари, тузилиши, ҳуқуқ нормасининг турлари, ҳуқуқ тизими, тармоқлари ва институтлари, манбаи ва унинг турлари ҳақида маълумотлар берилган. Юқоридагилардан ташқари қонун, фармон, фармойиш, қарор, буйруқ ва йўриқнома тўғрисида берилган қисқа таърифлар ҳамда ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқбузарлик, юридик жавобгарлик тушунчалари ҳам ўқувчилар диққатини жалб қилиши табиий.

Муаллифларнинг ўқув қўлланмасини яратишдаги хизматлари айниқса, китобнинг III бўлимида кўзга яққол ташланади. Зеро «Конституциявий ҳуқуқ асослари» деб номланган бўлимда Конституция тушунчаси, унинг ривожланиши, устунлиги ва барқарорлиги, конституциявий назорат тушунчаси, Ўзбекистон Конституцияси ва унинг асосий мазмуни батафсил ёритилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитети ва унинг конституциявий асослари, шахс ва давлат муносабатларининг конституциявий асослари, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий белгилари, давлат рамзлари, пойтахти, халқ ҳокимиятчилиги ва унинг амалга оширилиши шакллари, ҳокимият ваколатларининг бўлиниши принципи, Миллий Истиқлол мафкураси, демократия ва инсон ҳуқуқлари қизиқарли услубда баён қилинган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоизки, мазкур ўқув қўлланмасининг «Давлат ва ҳуқуқ асослари» бўйича илгари чоп этилган дарслик ва ўқув қўлланмаларидан ажратиб турадиган, мазмунан янада бойитадиган қатор жиҳатлари ҳам мавжуд. Масалан, китобнинг дастлабки учта бўлими мазмуни ўзига хос тарзда чизмаларда ҳам акс эттирилган.

Юқоридагилар билан бир қаторда муаллифларга баъзи мулоҳазаларимизни айтиб ўтишни лозим деб ҳисоблаймиз. Чунончи, ўқув қўлланмасида кўпгина ҳуқуқ тармоқлари: маъмурий ҳуқуқ, молиявий ҳуқуқ, ер ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, пенсия ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, экология ҳуқуқи, фуқаролик-процессуал ҳуқуқи, жиноят-процессуал ҳуқуқи, хўжалик-процессуал ҳуқуқи ва бошқалар ҳақида батафсил тўхталиб ўтилмаганлиги боис ушбу масалаларга доир иккинчи китобни яратсалар мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,
Тошкент Давлат юридик институти доценти



Сирдарё соҳиллари.

• *Ҳажвия*

ҚЎШНИЛАР

Насриддин дўппидек ҳовлисининг бир бурчагида солланиб турган райҳонларни бутаб турганда дарвозадан уста Сайфиддиннинг давангирдай қадди-басти кўринди.

- Мулла Насриддин, ҳовлингизга кирган одамнинг кўнгли баҳор бўлиб кетади-да!

- Райҳон - жаннатнинг гули-да. Дастадаста қилиб уйнинг шифтига илиб қўйса доим баҳор-да. Қани, уста, хуш кўрдик! Қани, картга чиқинг.

Уста Сайфиддин картга чиқиб, чордона қуриб ўтиргач деди:

- Мулла Насриддин, бир нарсага ақлим ноқислик қилади-да. Бу ингичка сим қандай пайдо бўлган?

Насриддин кулди.

- Қизиқсизда, уста. Иккита одам йўлда кета туриб бир дона танга топиб олишган ва топилмани тенг иккита бўлиш ниятида танга жониворни икки ёнга тортишган, тортаверишган. Шу зайл танга чўзилиб симга айланган.

- Шунга ақлим етмаганига қаранг... Баҳай, сизга бир маслаҳат солмоқчиман.

- Қани-й, қани!

- Раййм шайтонни биласиз, шу кеча жаҳлимни чиқорди, денг. Уста Ҳомидди тўйида мени «семиз буқа» деб ҳақорат қилди. Ориятим қўзиб турибди, Райймди судга берайми деб турибман-да.

Насриддин устанинг жуссасига бир қараб олди-да, деди:

- Сиз, уста, суд-пуд қилиб ўтирманг-да, яхшиси озишга ҳаракат қилинг, шунда Райймга ўхшаганлар сизни сўкишга гап тополмай қолади. Судга берсайиз, суд ҳам шу қарорни чиқариб беради...

Шу пайт ичкаридан Насриддиннинг хотини Гулшан аянинг овози чақмоқдай чақнади.

- Дадаси, кўчага чиқиб менга қўнғироқ қилинг!

- Нима, яна телефонни йўқотиб қўйдингми?

- Бир соатдан бери қидираман, ўлгурди тополмаяпман.

Насриддин устага узр дея кўчага чиқиб келди.

- Гулшан, телпонни топдингми?

Ичкаридан овоз келди.

- Топдим, хаёл билан музлатгични ичига қўйган эканман...

Уста кулиб, ҳузурланди.

- Бунақа пикр бизди хотинди хаёлига ўлса келмас. - Устанинг кўзи айвон остидаги «Тико» машинасига тушди: - Баҳай, янги мошинача муборак. Буни қачон олдийиз, афандим?

- Латареяга ютдик, уста. Бор-йўғи биттагина латарея олган эдик, шунга «лоп» этиб чиқиб турибди-да.

- Бахти чопган одамсиз-да! Эшак ҳам бор, мана, мошинча ҳам ютубсиз. Биз ношудларга эшак ҳам йўқ, латареямизга мошин ҳам чиқмайди. Шу мошинча бензинди кам ейди, дейдилар, шу рост гапми?

- Ҳа, шунақа, кам ейди.

- Юзга қанча еркан?

- Бор-йўғи бир қошиқ.

- О, қандай яхши!... Ҳа, айтганча, катта қошиқ биланми ё чой қошиқдами?

Насриддин соддаликдан кулди.

- Чой қошиқда.

Уста «яхши, яхши» деганча дарахтларга қарайди.

- Баргди тўкилишига қараганда, бу жил совуқ келади чоғи. Кўмирди ҳам ғамлабсиз?!

- Ҳа, буни ғамлагунча бир йил тилимни кўрсатдим.

- Тилингизни? Кимга?

- Поезд ҳайдовчисига-да. Усмон тоторди уйини орқасидан ўтган темир йўлнинг бўйига чиқиб, поездларга тилимни кўрсатаман.

- Тушунмадим, тушунтириб гапиринг, афандим.

- Тилимни кўрсатиб мазах қиламан. Ҳайдовчи нима қиларини билмай, ғазаб билан менга кўмир отади. Мен эса кўмирларни териб қопга соламан-да уйга қайтаман.

- Ишди кўзини биласиз. Биз дипломли уста бўлсак-да, ақлимиз ноқислик қилади... Ҳа, поезд деганингизда эсимга тушди. Яқинда Тошканга бормоқчиман, олдинги вагонга чиққан дурустми ё охирги вагонга? Қайси бири маъқул?

- Фарқи йўқ, уста, олдинги вагон ҳам, орқадаги вагон ҳам Тошканга бир вақтда етиб беради ва бир вақтда тўхтайди. Хай, Тошканга-чи гап?

- Ўғилди бошини икки қилай деёпман. Шунга «Отчопар»дан у-бу дегандай латтапуттасини... Ўғил яқинда отпускага чиққан эди. «Кел, шу отпусканга уйлантириб қўяй», десам, «отпускамни бузиб нима қиласиз» деди ўғили қайсар...

- Ҳозирги бачала бало...

Дарвоза очилиб, Насриддиннинг кенжатойи бир шан бўлиб кирди. Насриддин хижолатомуз сўроққа тутди.

- Ҳа, ота ўғил, кўчадан кирмай қолдингиз?

- Самолёт, самолёт ўйнадик, дада, шунга ушланиб қолдим.

- Ушланиб қолавердингизми?

- Уйга кираман деб шунча ҳаракат қилмай, кун бўйи ҳавони авзойи бузилиб, учишга имкон бўлмади.

Уста боланинг ёнини олди.

- Кўп ғижиманг бачани. Бачада, уйнагиси келади. Нелутний пагода бўлган экан-да энди. Ундан кўра мана бунга қулоқ беринг!

- Уста кўйнидан бир газета чиқарди ва ўқиди: - «Турк султони ...нинг саксонта хотини бўлиб, ҳар бир хотинидан тўрт-бештадан фарзанди бор...» Қаранг, султонни ўлмаган жони экан.

Насриддин ажабланди.

- Ў, саксонта! Саксонта хотинни нима билан боқаркан-а?

Орага Гулшан ая гап қўшди.

- Эй, сиз шуни ҳам гап деб гапиряпсизми? Хотинларни рисқини худонинг ўзи етказади. Ман, султонни ўзи нима еркан, деб ўйлаяпман.

Уста навбатдаги янгиликни ошкор қилди.

- Кейинги йил тугмасиз кўйлак кийиш мода бўлармиш!

Насриддин хотинига ўгрича қараб олди.

- Шунақа денг. Биз уйланганимиздан буён мода бўйича кийиниб юрган эканмиз-да, а?

Гулшан ая пичингдан оғринди. Уста туришга чоғланди. Насриддин қистовга олсада, уста йўлга тушди.

- Уста, ҳали ҳам ичкуёвмисиз?

- Ҳа, шундоқ, нолимайман. Лекин яхши бир ҳовли қидириб юрибман. Ҳовли шунақанги катта бўлсинки, уй юмушларига ўралашиб хотин онасиникига боришга вақт тополмай қолсин. Шу билан бирга ҳовли шунақанги кичкина бўлсинки, қайнонам бизникига кўчиб келишига имконият бўлмасин.


Насриддин гапни маъқуллади.

- Яхши ўйлабсиз, уста. Сиз онасига эмас, қизига уйлангансиз-ку, тўғрими?

Уста индамади, қўлини орқасига маташтириб, бошини сарак-сарак қилганча кўча бўйлаб юриб кетди.

Суҳбатни панада туриб Илҳом ЗОЙИР ёзиб олди

КРОССВОРД



Энига: 1.Республикамиздаги жамғармалардан бири. 3.Ўзбек халқ достонларидан бири. 6. Касаллик. 10.Чарм «белбоғ». 12.АҚШдаги штат. 13.«Фарҳод ва Ширин» достони қаҳрамони. 14. Ошхона анжоми. 15.Марс сайёрасининг йўлдоши. 16.Ҳарбий хизматчи. 18.Уй ҳайвони. 20.Россиядаги шаҳар. 21.«Жаннат қуши» номини олган парранда. 22.Геометрик шакл. 23. Туркий миллатлардан бири. 27. Ҳайвонот олами. 29.«Алибобо ва қирқ қароқчи» фильми қаҳрамони. 30.... - саждагоҳ каби муқаддасдир. 31.Қимматбаҳо мўйна тури. 32. Атир-упа, сартарошлик ускуналари билан машҳур хориж фирмаси. 33.Таом тури. 35.Республикамизда чоп этилаётган хотин-қизлар журнали. 37.Табиий офат. 38.«Эр-хотин қўш-...». 39.Уэльс маликаси. 40.Россиядаги шаҳар. 41.Асоссиз, миш-миш гап.

Бўйига: 1.Қимматбаҳо металл. 2.Сабзавот экини. 4.Автомобиль тури. 5.Жасорати афсона бўлган қаҳрамон. 7.Украинадаги шаҳар. 8.Суд жараёни иштирокчиси. 9.Маҳзун, ўйчан ҳолат. 11.АҚШдаги штат. 16.Машҳур қирғиз адиби. 17.Ҳашаматли, кўнгилочар маскан. 18.Мусиқа асбоби. 19.Талон-тарож қилиш, маблағни ўзлаштириш. 24.Ж.Кэмероннинг машҳур фильми. 25.Автомобиль шиналари билан машҳур Италия фирмаси. 26.Жанубий Америкадаги давлат. 28.Европадаги давлат. 33. Чармдан тикиладиган оёқ кийими. 34.Ҳурмат-... .35.Қимматбаҳо тош. 36.Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган қўшма корхона.

Тузувчи: Л.НОРҚУЛОВ

Газетанинг ўтган сонида берилган кроссворд жавоблари:

Айлана бўйича: 1.Мунавваркори. 2.Интибоҳ. 3.«Ҳуррият». 4.Тадорик. 5.Кенг. 6.Герб. *Ёйлар бўйича:* 1.Ўзурпатор. 7. Расмиятчи. 8.Ассалом. 10.Нон. 11.Ўюшма. 12.Қиз. 13.Ярқ. 14.Аён. 15.Баҳр. 16.Авзо. 18.Сўгурта. 20.Вақт. 21.Қор. 23.Кафе. 24.Ало. 25.Нур. 26.Курра. 27.Онг. 28.Ручка. 29.Атлас. *Бўйига:* 9.Иншо. 22.Драп. 30.Мадҳия. 31.Хумо. 32.Байроқ. 33.Кадар. 35.Лўкча. 36.Орзу-ҳавас. 38. «Тинчлик». 40.Ҳовли. 41.Авангард. 42.Олой. 43.Адаб. 44.Мехрибон. 45.Крона. 48.Байрам. 49.Косинус. 51.«Соғлом авлод учун». 53.Адвокат. 55.Инсулин. 57.Раият. 58.Мавқе. 60.Режа. 61.Овул. 62.Суверенитет. 67.Фидойи. 68.Шоли. 69.Назм. 70.Амитоз. 76.Еки. 77.Иболи. 79.Радио. 80.Тил. 81.Гул. 82.Илм. 83.Ирқ. 85.Оби. 87.Мия. *Энига:* 17.Режиссёр. 19.Командир. 30.Муҳиб. 33.Код. 34.Йил. 36.Озодлик. 37.Тошкент. 39.Зуҳра. 42.Она. 44.Макон. 46.Авлоний. 47.Бўронли. 50.Андалиб. 51.Саҳар. 52.Олмос. 54.Арафа. 56.Лидер. 58.Мангу. 59.Аср. 61.Ота. 63.Аския. 64.Қалов. 65.Аёл. 66.Лутф. 70.Анор. 71.Имон. 72.Базм. 73.Диод. 74.Инон. 75.Олихиммат. 76.Ёзувчилик. 78.Президент. 82.Ирис. 83.Иддао. 84.Даъво. 86.Олим. 88.Мустақиллик. 89.Конституция.

• *Бир чимдим кулгу*

— Боғчадан қайтаётган қизалоқ онасига мақтаняпти:

— Ойижон, билсайиз, бугун боғчада роса тўпалон бўлди. Дўхтирлар келиб ҳаммани укол қилди. Роса томоша бўлди-да.

— Сен-чи, қизалоғим, йиғламадингми?

— Йў-ўқ, ойижон. Дўхтирлар мени қувлаб етолмадилар.

***

— Дўхтир, маслаҳат беринг. Хотиним кетиб қолди, қизчам эса мен билан қолди.

— Хўш?

— Қизчам кундан-кун озиб кетаяпти. Ҳар куни эрталаб, кечқурун бадантарбия қилдираяпман, тез-тез чўмилтириб турибман. Фойдаси бўлмаяпти...

— Қанақа овқатлар беряпсиз?

— Қойил! Унга овқат ҳам бериш керак эди-я. Шу нарса эсдан чиқибди.

Мустақиллик ҳуқуқ демакдир
Ҳуқуқ
ЮРИДИК ГАЗЕТА
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 00150 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАЪСИСЧИЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари, «Қонун ҳимоясида»журнали

Манзил: 700047, Тошкент шаҳри, академик Яҳё Ғуломов кўчаси, 66-уй.
Телефонлар: 77-72-25, 133-82-34, 133-63-88.

Бош муҳаррир: Абдуҳолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ
Таҳрир ҳайъати: Бўриташ Сайфуллаев,Ботир Пўлатов, Дилшод Исломов (масъул котиб), Мэлс Наимов, Лола Шомуротова, Бахтиёр Назаров (Бош муҳаррир ўринбосари), Зайниддин Мамадалиев

Муаллифларнинг фикри таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.Кўчириб босилганда «Ҳуқуқ»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

«Ҳуқуқ» оригинал макети.
Газета PENTIUM - II mmx компьютерида саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонасида босилди. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси - 41. Нусхаси - 12749. Буюртма Г-0675. Бичими А-3.
Навбатчи: Н.МАҲМУДОВ
1 2 3 4 5 6
Сотувда эркин нархда.
Босишга топшириш вақти: 20.00
Босмахонага топширилди: 20.30